






ЖАҲОН 24 соат ичида

Ёнғин сабабчилари аниқланди

АҚШнинг Калифорния штати ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан маълум қилинишича, минтақадаги ўрмон ёнғинлари гйёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиний гуруҳларнинг айби билан юзага келган.



Мамлакат ўрмон хизмати агенти Расс Артурнинг сўзларига кўра, Санта-Барбара округидаги ўт кетган ўрмонзорлардан гйёҳванд моддаларни тайёрлашда ишлатилган махсус электр курилмаси, марихуана қолдиқлари ва "АК-47" автома-ти топилган.

Эслатиб ўтамиз, сал аввал ўт кетишига сабабчи, дея гумон қилинган бир аёл ҳибсга олинганди. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, у ёниб турган сигарет қолдиғини ўрмонга ташлаган эмиш.

Эслатиб ўтамиз, 8 август куни бошланган ёнғин 335 квадрат метр майдоннинг кулини кўкка совурган. Уни бартараф этиш осон бўлмапти.

Солиқ полицияси тузишмоқчи

Еврокомиссия Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудига солиқ тизимидаги жиноятларга қарши курашувчи ташкилот тузиш таклифи билан чиқди.

Бу ҳақда Европа Иттифоқи матбуот хизмати томонидан хабар тарқатилди. Солиқ полицияси дея номланиши кўзда тутилган мазкур ташкилот минтақада солиқ тўлашда кўзбўямачиликка йўл қўяётганларга қарши кураш олиб бориши режалаштирилган.

Ҳозирча бу таклифга ташкилотга аъзо давлатлардан бирортаси ҳам муносабат билдиргани йўқ. Таклиф муаллифлари эса бу янгилик Европа Парламентда ижобий баҳоланишига ишониммоқда.

Қароргоҳ яқинида кўпорувчилик

Афғонистоннинг Қобул шаҳри шарқда террорчилик ҳаракати содир этилди.

Яъни, миналаштирилган машина мамлакат армияси ва Буюк Британия ҳарбийлари қароргоҳи яқинида портлатилган. Оқибатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки ходими ҳалок бўлган, бир нафари эса тан жароҳати олган. Мазкур кўпорувчиликдан кўзланган мақсад бу ердаги Халқаро тинчликпарвар кўлар қароргоҳини таъминотдан узиб қўйиш бўлган. Бундан ташқари, мамлакатнинг Урузгон музофотида ҳам кўпорувчилик содир этилди. Ҳозирча мазкур хунрезлик талафотлари ҳақида маълумотлар йўқ.

Кашандалар норози

Туркия аҳолиси ҳукумат томонидан жорий этилган чеклишга қарши тартибдан норозилигини билдирмоқда.



Мамлакатнинг Анкара шаҳрида бўлиб ўтган норозилик намойишида, асосан, тамаддиҳона ва барларнинг соҳиблари иштирок этган. Уларнинг фикрича, ҳукумат томонидан жорий этилган мазкур тартиб уларни мўмай даромаддан маҳрум қилган. Негаки, мижозлар сони кескин камайган. Улар тамаддиҳона ва барларда чеклиш учун махсус жойлар ташкил этилишига рухсат берилишини талаб қилишмоқда.

Ҳукумат эса ҳозирча ўз қарорида қатъий турган ҳолда, бу борада ҳеч қандай ўзгаришни қилинмаслигини билдирган.

Саёҳат татимда

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлигининг хабар беришича, Стокгольм шаҳридаги Фрихамнен портида сайёҳлик кемасида ёнғин юзага келган.

Бахтсиз ҳодиса юз берган вақтда кемادا 1,6 миң нафар сайёҳ бўлган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида йўловчилар зудлик билан эвакуация қилинган. Нохуш воқеадан икки нафар кема экипажи аъзоси жабрланган. Улар кучли тутундан захарлангани маълум қилинди. Ўт нимадан келиб чиққани ҳозирча номаълум.

Суякни бақувват қилармиш

"Nutrition" нашрининг ёзишича, мунтазам пиво истеъмол қилувчи аёлларнинг тана суяклари бақувват бўлар экан.

Испаниялик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот якунига кўра, шундай ҳулосага келинди. Кузатишлар жараёнига ана шу ичимликни ҳар доим ичиб юрадиган 1700 нафар хотин-қиз жалб этилган. Натижада эса уларнинг суяклари ичмайдиган аёлларни- кига нисбатан бақувватлиги аниқланган. Бунга эса пиво таркибидаги кимёвий моддаларда фитогормонларнинг мавжудлиги сабаб бўлар экан. Шу билан бирга, мутахассислар мунтазам пивохоҳлиги соғлиққа зарар эканлиги ҳақида ҳам огоҳлантириб ўтишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бахтли бўлиш, бахтга эришиш, бахтдан қувониш, бахтни ҳис қилиш... Бу сўзлар сизу бизга асло бегона эмас. Негаки, мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани ярақлаган толе бўлса, аҳолисининг тинч-тотув, фаровонликда умргузаронлик қилаётгани янада катта бахтдир. Бу ҳақда фикр юритишимизга ақинда Буюк Британиянинг Янги иқтисод жамғармаси томонидан чоп этилган тадқиқот натижаларини жаҳон матбуотидаги шов-шуву сабаб бўлди.

ҲАЁТДАН МАМНУНЛИК ТҮЙҒУСИ

дунё халқларининг қайси бирида кучли?

Айтиш жоизки, айнан улар кўтарган масала нафақат одамлар орасида, балки давлатлар ўртасида ҳам баҳс-мунозара бўлишга арзийди. Жамғарма дунёнинг 143 мамлакатига "Бахтиёр сайёра кўрсаткичи" деб номланган илмий-нашри олиб бориб, кўраи заманининг бахтли давлатлари бўйича ўзига хос ҳулосага келди. Бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, бунда давлатлар аҳолисининг ўртача умр кўриш даври, ўзини бахтли ҳис этиши (сўров) ҳақида табиати мусаффолиги, яъни аҳоли учун қулай табиий муҳитга эга эканлиги ҳисобга олинган. Тадқиқот натижаларига кўра, дунёдаги энг тинч, мусаффо ва бахтли мамлакатларнинг биринчи ўнлигида Латин Америкаси ва Осиё-вакиллари жой олишган. Бундан-да эътиборли жиҳати, биринчи элликта мамлакат орасида Европа Иттифоқидан фақатгина Нидерландия ўрин олган. Ҳатто фарқли журналларнинг айримлари ўз матбуотларида "Бахтли ашмоқчи бўлсангиз, Коста-Рикага боринг" қабилдаги "иддео"ларини ҳам чоп этишди. Чунки асарият ривожланган мамлакатлар бахтлилик даражасини белгилловчи погонанинг куйи ўринларига тушиб қолган. Қувонарлиси, бизнинг серкўёш Ўзбекистонимиз 143 та мамлакат ичида 45-ўринда қайд этилган.

Бунда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги, қолаверса, одамларнинг эртанги кунга ишончи собитлиги эътиборга олинган. Ва бу биз учун фахрлидир. Шу ўринда яна бир мисол. Жорий йилнинг май ойида Бутунроссия жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўровларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоларидан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз аҳолисини эртанги кунга бўлган мустақам ишончини, бугунги ҳаётдан, кечираётган турмушдан миннатдор эканлигини баён қилган эди. Хусусан, сўралганларнинг 89 фоизи айнан Ўзбекистонда, иқлим шароити мўътадди заминда яшаётганидан мамнунлигини билдирган.

Одатда, "энг бой" ёки "катта мулкдор" тушунчаларини изоҳлашда ялпи ички маҳсулотнинг киши бошига тушган улуши ёхуд шунга ўхшаш моддий мезонларга таянилади. Аммо бахтнинг мезонини, доно халқимиз таъбири билан айтганда, бойлик билан ўлчаб бўлмайдди. Чунки бахтнинг ёзилмаган шундай жиҳатлари борки, булар инсоннинг ўзлиги, миллий қадриятлари, дунёқараши билан бевосита боғлиқдир. Демак, инсоннинг моддийликдан ташқари ўзини бахтли, дея эътироф этишига етарлича омиллар бор. Мамлакатимизнинг "Бахтиёр

сайёра кўрсаткичи"да муносиб ўринга эга бўлиши, қолаверса, юртимиз аҳолисининг берилган саволларга аниқ мақсадларни ўзида муржаасман этган жавоблари хорижлик мутахассисларнинг диққатини тортмоқда. Ҳўш, ҳамюртларимизнинг ўз турмушларидан, ҳаётдан рози эканлигини қандай омиллар билан боғлаш мумкин? Бахтли бўлиш ва бахтга эришиш Ўзбекистонликлар учун нима дегани?

Интернет манбаларида билдирилган мулоҳазаларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг ўзларини бахтли ҳис этишида ва бахтли ҳаёт кечиршида асосий омил республикада мустақиллик йилларида тинчликнинг, оқудатликнинг таъминлини келинатиришидир. Сир эмас, теварак-атрофдаги мамлакатларда, мана, неча йилларки, харбий ҳаракатлар тўхтамапти. Баъзиларида эса сиёсий бошқарув ва молиявий аҳолининг барқарор эмаслиги оддий одамлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётди. Айни пайтда ўзбек халқининг шундай урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари мавжудки, бу ўз навбатида, дунё давлатлари ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган бахтнинг асл

моҳиятини белгилаб берадигандек. Қолаверса, ўтаётган ҳар бир кунимизнинг тинч, осуда бўлиши боболаримиз, момоларимиз тилларидидаги шукроналик билан ҳам ўлчанади. Нурунийлар ҳар гал дуога қўл очганларида "Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин", дея ният қиладилар. Бунинг аҳамиятини бошқа юртдан

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар одамларида эртанги кунга ишонч, ижобий ўзгаришларга мойиллик жуда суст бўлиб, умидсизлик туйғулари ҳукмрон. Баъзи илмийларда кўрсатилишича, моддий таъминот, инсон учун барча шарт-шароитларнинг мукамал яратилганлиги аҳолининг индивидуаллашуви, биқик ҳаёт кечиришига хизмат қилаётди. Энг ёмони, булар жамият қадриятларини кескин заифлаштиради. Оқибатда пессимистик турмуш кечириш, атроф-муҳитдаги ўзгаришларга бефарқлик билан муносабатда бўлиш кучаяди. Одамлар турмуш тарзининг ўзгариши — жамиятда оила, бирдамлик, жамоавий яшаш каби миң йиллик қадриятларнинг емирилиши натижасида эса ўз жонига қасд қилувчилар, жамият қонуниятларига бўйсунушни инкор этаётганлар сони ортади.

Демак, эртанги кунга бўлган ишончнинг аҳамияти беқийс. Халқимизнинг умиди, ишончи эса аниқ фарзандимни ўқитсам, уйли-жойли қилсам, жамиятга фойдаси тегадиган инсон этиб тарбияласам, дейди. Эртанги кунга ана шу ердан пойдевор қўяди. Шу ният билан яшайди, меҳнат қилади. Ортиқча безовтаманмаслик, хотиржамликнинг ўзи ҳам бир бахт. Чунки инсон фарзандлари соғлом бўлса, уларнинг ўқиш-интилишлари, ютуқларини кўрса, ўзини ниҳоятда бахтли санайди.

Хамюртларимизнинг ўзларини бахтли ҳисоблашларига, келажакка ишонч билан қарашларига сабаб бўлган энг муҳим омиллардан бири Истиклол йилларида инсонга, унинг жамиятдаги ўрни ва қадр-қимматини улуғлашга қаратилган эътибордир. Зотан, Юртбошимиз раҳнаомлигида рўёбга чиқарилаётган ислохотлар, аввало, жамиятда ижтимоий тенгликнинг қарор топишига, аҳолининг барча қатламларига гаммуўрлик кўрсатилишига, энг муҳими, фуқароларнинг ўзларини намён этишларига имконият яратиб берди. Қолаверса, сўнгги йилларда иқтисодийётимизнинг барқарор ривожланиб бораётгани, одамлар турмуши тобора фаровонлашаётгани — барчаси халқимизнинг ютуғи, бахти. Аслидаям, Истиклол, бу — бахт дегани!

Қобил ХИДИРОВ.

КРЕДИТЛАР — ХУСУСИЙ СЕКТОР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Нукуслик тадбиркор Аҳмед Абдимуратовни шаҳарда кўчлик танийди. Тўғрироғи, у раҳбарлик қилаётган "Алоқа сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган эшик ва дераза ромлари, йўлларга ётқизиладиган бетон қопламалар ўзининг замонавийлиги ва сифатлилиги билан аллақачон харидорлар эътиборига тушган. Бу ерда тейёрланаётган маҳсулотлардан Қорақалпоғистондаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Жараён

Таъкидлаш керакки, А. Абдимуратовнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишида "Алоқа сервис" очик акциядорлик тижорат банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан ажратилган 40 миллион сўм асосий омил бўлди. Чунки у ушбу маблағ эвазига замонавий ускуналар келтириб ўрнатди ва

қўшимча равишда 8 та янги иш ўрни яратди. Филиал томонидан тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг олти ойи мавжидида 402,7 миллион сўм кредит берилди. Маблағларнинг асосий қисми саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа сингари иқтисодийётимиз муҳим тармоқларига йўналтирилгани эътиборга лойиқдир.

Бугунги кунда "Қорақалпоқ телеком" корхонаси билан ҳамкорликда алоқа тармоқлари фаолиятини янада яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келаяпти. — дейди филиал раҳбари Маҳмуд Халеев. — Хусусан, шаҳар ва туманларда "Таксафон" шохобчаларини қуриш орқали аҳолига маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш, янги "Интернет-кафе", компьютерларни таъмирлаш ускуналарини ишга тушириш сингари йўналишларга имтиёзли кредитларимизни таклиф қилаёмиз. Эътиборлиси, банкнинг бундай хизматлари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам

яқши йўлга қўйилган. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори дастуриямал вазифасини ўтамоқда. Жумладан, банк томонидан Кеғейли туманидаги Халқобод қишлоғида ушбу дастур таълабларидан келиб чиққан ҳолда, 20 миллион сўмлик кредит ажратилган. Бунинг натижасида аҳолининг маиший ва сервис хизматлари, сарталоқхона, минимаркет, савдо шохобчаси ва "Пайнет" хизматини жалганан мажмуа барпо этилгани сўзими эсбатидир.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги "Азамат-шарёр", "Сметова Г.", "Даҳо-Нукус" сингари кўпжаба тадбиркорлик субъектлари ҳам банкнинг ана шундай имтиёзли маблағларидан фойдаланиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ўзбекистон» локомотив депоси Сертификат берувчи органлар ўртасида ишлаб чиқилган ISO-9001:2000 сифат менежменти тизимини сертификация аудити текширувдан ўтказиш бўйича тендер танлови ўтказилиши ҳақида Эълон қилинди. Танловда иштирок этиш истагидигилар ўз таклифларини куйидаги факс орқали юборишларини сўраймиз: 299-68-83. Мулоқот учун телефонлар: 299-68-42, 299-68-32.

"Росагропромснаб" МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ • УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ • 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ • ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ • ПЭК филтрлари, ИЗО муфтлари Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чиланзор маъроси, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — Шўрат дўкон жойлашган чоррача.

ПП «СНІРСНІҚ ШАНХАЙ ПЛАСТ» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДЧНЫЕ РАБОТЫ. Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амира Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЭАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99. www.pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way Туловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. КАФОЛАТ — 2 йил. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Official Partner HYUNDAI Tel. 250-11-11

«TITAN BIZNES» МЧЖ Тошкентдаги омборхонадан ўзи ишлаб чиқарган ЎҚУВ ПАРТАЛАРИНИ 60.000 сўмдан таклиф қилади. +99871) 233-06-25 +99898) 127-54-64 Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси хайъат аъзоси П. Реймовга онаси АТТИЙОЙ ДЖУМАНИЯЗОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таланиш изҳор этилади. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'ZBEKISTON» телерадиоканали муҳаррири Инобат Нормуродовга отаси ҚОШР НОРМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Тошкент мовия институтини жамоаси Математика кафедрасининг профессори Мамашёр Шерқўзиёва онаси ОЙСУЛУВ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Тошкент давлат иқтисодийёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Банк иши кафедраси доценти Азиза Азизовага отаси АҚРОР АЗІАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этилади.

Спорт • Sport • Спорт


ШАХМАТЧИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Арманистоннинг Жермук шахрида шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқичи қизғин давом этмоқда. Унда ўн тўрт нафар кучли гроссмейстер бош соврин учун кураш олиб борапти.

Аҳамиятлиси, нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Қосимжонов тўққизинчи турда болгариялик шахматчи Иван Чепариновга қарши оқ донларда ўйнаб, галаба қозонди.

Дмитрий Яковенко (Россия) — Владимир Аюков (Арманистон), Борис Гельфанд (Исроил) — Евгений Алексеев (Россия), Сергей Карякин (Украина) — Эрнесто Инаркиев (Россия), Павел Эльянов — Василий Иванчук (Украина), Гата Камский (АҚШ) — Петер Лекко (Венгрия), Этьен Бакро (Франция) — Левон Аронян (Арманистон) ўртасидаги учрашуларда дуранг натижа қайд этилди.

Тўққизинчи турдан сўнг турнир жадвалида қуйидагича вазият юзага келган: Қосимжонов, Иванчук, Лекко — 6 очко, Аронян, Карякин, Алексеев, Эльянов — 5 очко, Гельфанд, Бакро — 4,5 очко, Яковенко — 4 очко, Аюков, Камский — 3,5 очко, Чепаринов — 3 очко, Инаркиев — 2 очко.



3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

НАВОЙДАН — ҲИНДИСТОНГА

Навоий шахридаги "Сўғдиёна" спорт саройида пауэрлифтинг бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 77 нафар спортчи медаллар учун кураш олиб борди. Якунда мезбонлардан ўн олти нафари шоҳсўпага кўтарилди.

Жумладан, Навоий шахридан Эльмира Рамилёва, Мадина Абдурашидова, Фаррух Маҳмудов, Улугбек Дилмуродов, Артур Карабекян, Юрий Антонов, Рафиф Хузин, Константин Воробьев, Ильгиз Рамилёв, Маъруф Бозоров, за-

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНДДА «ЧЕЛЛЕНЖЕР» МУСОБАҚАСИ

Самарқанд шахридаги "Динамо" кортида теннис бўйича аънанавий "Челленжер" халқаро турнири ўтказилди.

Мурасасиз курашлар остида ўтган мусобақанинг яқкалик беллашувида Ямайка мамлакатаи теннисчиси Дасти Брун барча рақибларидан устун келиб, бош соврин эгаси бўлди. У финалда франциялик Жонатан Даниерисни мағлуб этди.

— Юртингиз кортлари менга омад келтирди, — дейди Д. Брун. — Шу ўринда финал баҳсида мени қўллаб-қувватлаб турган самарқандлик ишқибозларга алоҳида миннатдорлик билдираман. Бу гўзал

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Атахонов ва Ислом Абдуллаев. Бирок мазкур важлар уларнинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари, суд ва тергов жараёнида гувоҳлар берган кўргазмалар билан рад қилинди.

Шу йилнинг 20 май кунини жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди судланувчилар Баҳодир Атахонов ва Ислом Абдуллаевга нисбатан адолатли ҳукм чиқарди. Суд ҳукмига кўра, Баҳодир Атахоновга 7 йилга 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ислом Абдуллаев эса умрнинг 5 йилини темир панжаралар ортида ўтказадиган бўлди.

Шунингдек, суд ҳукмига мувофиқ 145478000 сўмлик марказиз тамаки маҳсулотлари йўқотилди. Баҳодир Атахонов бошқарувидаги, 31548149 сўмга баҳоланган "КамАЗ-5320" русумли автомашина ва тиркамаши, умумий нархи 5664000 сўмлик "Хумсон" яна ичимликлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Бу жиноий гуруҳ билан боғлиқ вазона биз бир сабоқ сифатида баён этдик. Ахир нафс домига тушган бу кимсаларнинг қилмишлари ортидаги улкан рақамлар сиз ва бизнинг насибамиз, бус-бутун бир элнинг ризқи эмасмиди? Қолаверса, миллат саломатлиги учун зийн бўлиши сизга ташвиш қилиши билан ноқонуний шугулланиш замирида ҳам элнинг ноини "туя қилиш", деган баднафслик аломатлари мавжуд. Буларнинг барчаси ақл-идроқсиз қилинган ишдир. Ҳайламай қўйилган биргина қадам одамнинг бошига қанчадан-қанча қурбату фавқолад келтиради, хор-зор қилади. Ҳақиқат эса бамисоли қуёш. Уни йўқотиб ҳам, яшириб ҳам бўлмайди.

Луқмон ҚОДИРОВ, жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди расми.



ИШОНЧИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ ВА КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

самаралари нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон ҳам-жамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Модомки, бу ҳақда сўз борар экан, бир жихатта эътибор қаратиш ўринли бўлур эди. Яъни, кейинги йилларда олий таълим муассасаларига ҳужжат топшираётган абитуриентларнинг билим ва савияси тобора юксалиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Негаки, олий ўқув юрти талабаларига қабул қилиниш учун кириш баллари сўнгги 2-3 йилда салмоқли даражада ошганлиги бунинг тасдиқидир. Бу, албатта, умумтаълим тизимида амалга оширилётган мақсадли дастурлар самараси эканлиги аниқ. Бинобарин, эришилган энг катта ютуқларимиздан бири

шуки, бугунги ўқувчиларда ўқиш, билим олиш, касб-хунар эгаллашга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Фақат ёшларгина эмас, ота-оналар ҳам фарзандларининг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўз келажаги йўлида дадил одимлашларига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Чунки бугун ҳар бир ота-она Истиқлол даврида таълим тизимида эришилган натижа ва самараларини ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлмоқда. Аввалги шароит билан бугунги имкониятларини солиштириб, фарзандлари учун яратилган қулайликлардан мамнун бўлган ҳолда, эртанги кунга тўла ишонч билан боқаётди. Оғу тафаккурдаги бу ўзгаришлар амалий натижа-сини кўрсатди ҳам. Биргина мисол. Жорий йилда умумтаълим мактабларининг рес-

публика фан олимпиадаси юксак савияда ўтказилди. Беллашувнинг худудий босқичида юқори натижаларга эришган 183 нафар ўқувчи-ни голиблик ўринларига солиштирилганимизда, энг юқори натижалар аниқланган Қорақалпоғистон Республикасидан қатнашган 11 нафар иштирокчидан 3 (27,7 фоиз) киши, Бухоро вилоятининг 26 нафар вакилидан 8 (30,7 фоиз) ўқувчи, Навоий вилоятининг 10 нафар ўқувчисидан 3 (30 фоиз) нафари, Қашқадарё вилоятининг 14 нафар иштирокчисидан 4 (28 фоиз) нафари голибликни қўлга киритганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ҳолат ушбу худудларда олимпиаданинг вилоят босқичларидан анчайин, иктидорли ўқувчилар иштирок этганлигини аниқлаб турибди. Бинобарин, жомоалар ҳисобида голиблик ўрин-

трукция қилиниши белгиланган эди. Буни амалга ошириш учун, аввало, болалар спортининг ривожланган инфратузилмасини яратиш тақозо қилинарди. Шу боис, авваламбор, янги спорт иншоотларини қуриш, мавжудларини қайта тиклаш ва таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуна ҳамда анжомлар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилди. Жорий йилда ҳам 174 та мактабда спорт заллари ва 6 та спорт иншоотини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бугунги кунда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган бири-биридан кўркам спорт иншоотларини мамлакатимизнинг барча худудлари, шу жумладан, чекка, тоғли минтақалардаги қишлоқларда ҳам учратиш мумкин. Болалар спорт мажмуаларини қуриш бошланган

қадар 122 та болалар спорт мажмуасида қўлланилди, яқин келажақда эса уни яна 74 та иншоот қурилишида ишлатиш кўзда тутилган. Ушбу қопламанинг афзаллиги шундаки, у спортчиларни жиддий жароҳатланишдан сақлайди. Мазкур ашё ривожланган чет эл мамлакатларида, одатда, халқаро ёки ...Инсон орзу-хавас билан яшайди. Айниқса, умр баҳори — ёшлик фаслида ҳар бир йигит-қиз қалбида олам-олам эзгу истаклар жўш уради. Кимдир келажақда шифокор бўлишни дилига турса, бошқа биров ўқитувчи ёхуд муҳандислиқни орзу қилади. Ассосийи, бундай покиза ниётлар замирида Ватанга муносиб фарзанд бўлиш истаги мутасамма. Яна шунини мунъатин билан айтишнинг мумкин-ки, Истиқлол фарзандларининг катта ютуқ ва муваффақиятларга эришишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Ватан шайнини, гурурини сарбаланд этишга аҳд қилган бундай ёшларга қараб туриб, фахрланмаслик мумкин эмас. Зеро, улар Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бизнинг ишончимиз, суюнчимиз, энг катта бойлигимиздир!

қасб этади. Шу сабабли туман тиббиёт биносида шифокорлар, ҳамшираларнинг малакаси мунтазам ошириб борилаётган. Утган йили 37 нафар шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўз мутахассислиги бўйича тиббий билимини кучайтирди. Шунингдек, 7 нафар шифокор умумий амалиёт шифокорлиги бўйича таҳсил олди. Бундан ташқари, барча шифокорлар ҳар йили касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича аттестациядан ўтказилмоқда. — Жойлардаги шифо муассасаларида тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш-

ТИББИЙ ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Хоразм вилоятида тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шифохона ва соғломлаштириш масканлари тубдан қайта таъмирланиб, эл саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича барча зарур шароитлар, замонавий имкониятлар муҳайё қилинаёпти.

Хусусан, айна пайтда Қўшқўпир туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланиб бормоқда. Туман марказий шифохонаси, худуддаги болалар шифо маскани, болалар ва катталар поликлиникалари негизда туман тиббиёт би-рлашмаси ташкил этилди. Унинг зиммасига қишлоқ врачлик пунктларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам бериш ва-зифаси ҳам юклатилган. Бир-лашма бир вақтнинг ўзида 375 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиникаси, стоматология поликлиникаси, 21 та қишлоқ врач-лик пунктига эга.

Туманда қишлоқ жойлари-даги бирламчи тиббий хиз-мат бўйича мустаҳкамлаш-га астойдил киришилётгани диққатга сазовор. Чунончи, қишлоқ врачлик пунктлари бинолари капитал таъмирдан чиқарилди. Келгуси йилдан яна 2 та қишлоқда янги КВП қурилиши режалаштирила-ётир. Мавжуд КВПлар эса за-монавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Аниқ-роғи, 18 та КВПга "Саломат-лик — 1" лойи-ҳаси асосида, учтасига "Са-ломатлик — 2" лар малакасини ошириш ин-ститутини таъмирлаш мақса-дида тиббий билиминини кучайтирди. Шунингдек, 7 на-фар шифокор умумий амали-ёт шифокорлиги бўйича таҳ-сил олди. Бундан ташка-ри, барча шифокорлар ҳар йили касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича аттестациядан ўтказилмоқ-да. — Жойлардаги шифо му-ассасаларида тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш-



Саломатлик

Кеча пойтахтимизда "Болалик худуди — бўлгуси оналар, болалар ва эмирлар учун товарлар ва хизматлар" 2-халқаро ихтисослашган кўргазмаси ўз ишини бошлади.

ЭЪЗОЗ ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Таъкидлаш керакики, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб она ва бола соғлигини асраш, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етуқ бўлиб вояга етиши йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Болаларнинг соғлом камол топишида эса кўрсатилган хизмат ва улар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аҳамияти катта. Шу маънода,

чиларига болалар овқатлари ва кийим-кечаклар, чақалоқ ҳамда кичик ёшдаги болаларни парваришлашда ишлатиладиган фарзандларнинг ҳар томонлама етуқ бўлиб вояга етиши йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Болаларнинг соғлом камол топишида эса кўрсатилган хизмат ва улар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аҳамияти катта. Шу маънода,

Кўргазма

кўргазма ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг узаро фикр алмаш-шишлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги янгилик-лар билан танишиш имко-ниятини яратди. Халқаро кўргазма Республика Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазириликлари, Тош-кент шаҳар ҳокимияти, Ишби-лармон аёллар ва тadbirkorлар жамоат би-рлашмаси ҳамда Мақтабча таълим му-ассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакаси-ни ошириш республика ўқув-методика маркази томонидан ташкил этилди. Унда юртимиз ҳамда бир қатор хорж кор-хоналари ўз маҳсулотлари ва замонавий хизматлари билан иштирок этмоқда. Бу ерда кўргазма қатнаш-

ректори ўринбосари Абдулла Ҳакимжўраев. — Корхонамиз модернизация қилинган, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, ҳозирда биргина болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган кийим-кечакнинг юзга яқин турти тайёрланаёпти. Хом ашё маҳаллий корхоналардан оли-наётгани маҳсулот таннархи-ни арзонлаштириб, харидорлар сифатини кенгайтирмоқда. Шу боис эндиликда ишлаб чиқараётган кийим-кечакла-римизнинг бир қисmini Россия, Германия каби давлат-ларга экспорт қилаёямиз. Мазкур кўргазма эса бизга янги ҳамкорлар топиш учун катта имконият беради. Кўргазма 21 августга қадар ишлайди. Д. МУРДОВ.

Одам нафсга қул бўлмаслиги учун ақл-идрок тарозисини тенг тутиши лозим. Билмас, у эл орасида шармандан шаринсор бўлади. Нафс балосининг бир халласи билан йиллаб йиққан обрўси, шаън-шавақатидан айрилади. Гурланлик икки "шововз" Баҳодир Атахонов ва Ислом Абдуллаевни ҳам темир панжара ортга етаклаган омил нафс балосидир. Ҳўш, улур қандай қилиб жиноят ботқоғига ботди? Ахир улардан бирининг илгарироқ ҳам "оғзи куйган..." эди-ку?!

Аслида Баҳодир билан Ислом ораларидан қил ўтмас дўст. Ёшлар ҳам тенг. 41 да. Баҳодир хусу-сий "КамАЗ" ҳайдовчиси. Дўсти эса яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланади. Шу йилнинг 2 февралда икки дўст гурунлашиб турганларида Баҳодирнинг қўл телефонига қўнғироқ бўлди. — Оллоҳ суйган бандасини ҳар жойда сийлар экан. Малика олам телефон қилиптилар. Тошкентдан Хоразмга олиб келадиган юк бор экан. Бирга борамиз. Сени ҳам куруқ қўймайман, — деди Баҳодир Исломга хурсандчилигини яширмай. Келишувга биноан, 3 февралда улур Тошкент шахридаги "Кўйлик" бозори яқинида жойлашган автомо-биллар тўхташ жойига етиб келиш-ди. Киш кун бўлса-да, ҳаво унча совуқ эмас. Бозорга олиб боради-ган йўлақлар одамлар билан гавжум. Машиналарнинг кети узилмайди. Баҳодирнинг оғзиси Малика Атахоновга Шухрат Қозоқов бошқа-рувидаги қизил "Нексиа"да келди. Машинадан 4 нафар мардикор ҳам тушди. — Гап бундан, мана бу киши ҳай-довчи Рустам ака бўладилар. Қозо-гистонлик. 12 метрлик 2 та тирка-

ОБ-ҲАВО (20 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Харорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Тошкент шахри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Харорат кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади. «Ўзгиромет» маълумотлари оросида тайёрланди.

НАФС ҚУРБОНЛАРИ

Кўзбўямачилик орқали мўмай даромад олоқчи бўлганларнинг пайи қирқилди.

мадаги юкни машинанга юклатасан, — деди Малика Баҳодирга. — Қадокланган 2360 блокда "Хумсон" яна ичимлиги ва 122 та яшиқда "Mond Ultra Lights" ёзуви 60240 қути ингичка турдаги ва 146 яшиқда худди шундай ёзуви 73190 қути қалин турдаги сигареталар бор. Бил-ки қўй, буларнинг барчаси хорж-ники, чет элда ишлаб чиқарилган. Атрофларингда Шухратжон билан кўз-қулқ бўлиб трамиз. Тез юк-лаб, йўлга қингиллар. Биз орқадан етиб борамиз. Баҳодир ҳам, Ислом ҳам товар моддий бойликлар республикамиз худудига боғжона назоратини че-тлаб, яширин равишда олиб ўти-лганлигини яқини аниқлади. Бу мол-лар белгиланган тартибда рўйжа-дан ўтса, фойда кам қолиши уш-ган жиноий гуруҳ аъзоларига ҳам аён эди. Аммо нафс балоси уларни боши берк кўчага киритиб қўйди.

Иккала дўст "Қайдасан, Хоразми", дейди йўлга отланиши. Мабодо ман-зилга эсон-омон етиб олишса, Ба-ҳодир орасидан юк учун 1.500.000 сўм, Ислом эса дўстининг қаватида мадд бериб юргани учун 70.000 сўмди бўлишди. Белни оғритмай пул топишса ёмонми? Ахир, пул

қўл телефонига қўнғироқ қилиб ул-гурдан эди. — Жиноятни биз қилмаганмиз. Товарлар бизга тегишли эмас. Унинг эгаси Малика Атахонов. Товарларни Гурланга олиб бориши-миз керак эди. Юк ташиш учун лицензия, йўл варақаси, ҳай-довчилик гувоҳномаларимиз бор. Жиноятга алоқамиз йўқ, — дейиш-

қанман. Амнистия жонимга оро кир-ган. Ушанда ҳам ҳозирги шериклар билан ноқонуний тарзда шакар маҳ-сулотини ташиганлигимиз сабаб бўлган, — дарди-хол қилди Баҳодир Исломга. — Ҳозир олиб бораётган сифатларимизнинг ҳам акциз мар-каси йўқ. Бунинг устига, боғжона хиз-мати розилиги ҳам олинмаган. Гурланлик таваккалчиларнинг қувони узоққа чўзилмади. Шу йил-нинг 4 февраль кунини соат чамаси 17 ларда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари улур бошқарувидаги автомашинани тўхташди.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрога Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов. Навбатчи — Ф. Бўтаев. Мусахҳах — Ш. Машраббоев. Газета таҳририят компьютер марказида терьялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ яқини — 20.40 Топширилди — 22.50 1-Тижорат материаллари 123 5